

СОБИР РАҲИМОВ

Н. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ,

ОРЖОНИКИДЗЕ

пов район партия комитетининг биринчи секретари, С. И. Стрижнев, Д. Д. Шарипова ўртоқлар район партия комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

ЁШЛАР АРЕНАДА



Тошкент цирки яна томошабинлар билан гажум. Унинг аренасида музика садолари янграб, хилма-хил томошалар кишиларни хушнуд этмоқда. Бу ерда шу кунларда «Ёшлар аренада» деган янги программда цирк номерлари намойиш қилинмоқда. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган дорвозалар, пол-вонлар, жонглерлар, акробатлар ўз маҳоратлари билан томошабинларни хурсанд этмоқдалар. Суратда: сиз цирк аренасида кўрсатилаётган янги программаларни кўриб турибсиз.

Л. Глауберзон фотолари.



ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

Юзори Чирчиқ район ички ишлар бўлими участка инспекторининг «Полиотдел» колхозидан таниш пункт жамоат тартибини сақлаш ва социалистик қонунчилигини мустаҳкамлаш борасида намунали иш олиб бормоқда.

Кейинги йилларда оператив гуруҳларнинг самарали фаолияти туфайли жамоат тартибини бузиш, айрим хил жиноятларнинг содир бўлиш холиари кескин кмайди. Бولта етмаган болалар билан ишлаш комиссиялари, халқ дружиначилари штаби ва комсомол оператив отрядларининг иш фаолияти яхшиланди.

Таянч пункти қошидаги болалар хонасида шитасиз инспекторлар, жамоатчилик совети комсомол оператив отрядлари иш юритдилар. Колхоз территориясида жойлашган мактаб

ларда 2,5 минг ўқувчи билим олади. Ана шу ёшлар орасида тарбияси қийин бўлган болалар ҳам бор. Уларни қайта тарбиялашда оператив отрядларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Масалан, 19-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ли Георгийнинг дарсларга қатнашмай қўйганлиги ҳамда кечалари саёф юриши ҳақида мактабдан хабар беришди. Жамоатчилик советининг навбатдаги йиғилишига боланинг ота-онаси ва ўзи ташкил этилди. Маълум бўлишича, ота-она ўз фарзандларини ортиқча эркалатиб, тал-тайтириб юборишган экан. Натижада оилада Ли Георгийнинг дегани-деган, айтгани-айтган бўлиб қолган. Жамоатчилик совети йиғилишидан сўнг Ли Георгий яна мактабга қайтди. У ҳозирги кунда яхши ва аъло баҳоларга ўқимокда. Шунга

ўхшаш, ўқиниши ташлаб кетган Эриш Тожибоев, Геннадий Шутков, Рахим Нуримов каби болалар ҳам жамоатчилик таъсири билан мактабга қайтиб боришди. Утган 11 ой мобайнида болалар хонасида 22 бола рўйхатга олиниб, қайта тарбияланди.

«Полиотдел» колхозни территориясида турт жойда дружиначилар штаби ҳам мавжуд бўлиб, унга қирқ киши — бирлашган. Колхоз маъмурияти томонидан навбатчилик қилиш учун ҳар кун битта автомашина акробатчи билан таъин қилинган. Ишонч намуна ташкил этилиши натижада беш жиноятнинг олди олинди. Колхоз территориясида безорилик ва майда безорилик ўтган йилга қараганда 50 процентга камайди. Бунга таянч пункти инспектори Сабриддин Носи-

ровнинг жонқурлиги ҳамда халқ дружиначиларининг гайрати туфайли эришилмоқда.

Озод Умаров, Нургушан Авазов, Ефим Ким ва Ли Идор бошлиқ қатор участкаларда кечурунлари қўлларига қизил боғич болаган халқ дружиначиларини «Чирчиқ» мулкчи. Улар эл-юрт осойишталиги йўлида, давлат мулкига қўз олатирувчи техникхўр, ўғри ва безориларга қарши кураш олиб бормоқдалар.

Таянч пунктидаги ўртоқлик судларининг иш фаолияти ҳам мактовга сазовор. Утган 3 квартал мобайнида беш марта ўртоқлик судлари бўлиб ўтди. Унда айрим қилғиш бўлган юрган шахсларнинг ҳуқуқлари муҳофиза қилиниб, айбдорларга тегишли жазо қўйилди.

Яқинда СССР ички ишлар

министри генерал-полковник Н. А. Шелюков, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри Х. Х. Яхеев ва бошқалар район ички ишлар бўлими колхоздаги участка инспекторининг таянч пункти иш фаолияти билан танишдилар. Улар участка инспектори С. Носиров бошчилигида кенг жамоатчилик олиб бораётган ишларга юқори баҳо бердилар. Жамоат тартибини сақлашда актив қатнашганлиги учун «Полиотдел» колхозни СССР ички ишлар министри-лигининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди.

Бундан руҳланган ички ишлар бўлими участка инспекторининг «Полиотдел» колхоздаги таянч пунктига бирлашган жамоатчи-айтишчилар маҳсул-нашлар осойишталигини сақлаш, ичкиликланик, безорилик, таъмақрили ва юлгичликни каби ярамас иллатларни таътомири билан йўқотиш учун бутун куч ва имкониятларини сарфламоқдалар.

А. ФОЗИЛОВ.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ТАБАССУМИ

Мактабларда ўқинишнинг иккинчи чораги ишқосига етди. Яна бир неча кундан сўнг ўқувчилар қишки каникулга чиқишади. Республика қўғирчоқ театри коллектив ўқувчилар каникулнинг қўғирчоқ ва хушчақчақ ўттиши учун қўғирчоқ тадбирлари амалга оширмоқда. Янги йилдан бошлаб театрда Пенчо-Манченинг «Қорбобо» ва Сергей Маршанинг «12 ой» эрта-кешалари кўрсата бошланади. Ҳар йилда янги спектаклда болалар ҳаётида содир бўладиган гаройиб воқеалар, қутилмаган ўрашувлар бадийи формада ифода қилинган.

Каникул кунлари қўғирчоқлар театрдан чиқиб, пионер саройлари, болалар боғчалари ва мактабларда ҳам меҳмон бўладилар. Самолётсозлик, «Таш-селиш» заводларининг клубларида юздан ортиқ спектакль намойиш қилинади. Билетлар олдиндан бевосита жойларнинг ўзида тарқатишмоқда.

ЭКСПОНАТ КЎРГАЗМАГА

Янгийўл шаҳридаги ҳунар техника билим юртида ёшларнинг ижодий қобилиятини оширишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунда еш ихтиролар тўғрисида муҳим роль ўйнаётган.

Изданувчан ўқувчилар машгулотларда бир неча техника воситаларини тайёрлашга муваффақ бўлишди. Айниқса, универсал электрлаштирилган алакат мутахассислар томонидан юқори баҳо олд.

Муносиб ўринбосарлар яратган бу экспонатлар яқинда Москвадаги Вутунтигроф халқ ҳунари йотқулар кўргазмасида намойиш этиш учун тайяб олинди.

МАВЗУЛАР РАНГ-БАРАНГ

1973 йил тарих ҳисобига ўтиб бормоқда. Шу йилда совет кишилари меҳнатда соғайиб муваффақиятлари кўпга йеттидилар. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи ўқиниши йилда эришилган муваффақиятлар натижасида совет давлати янада мустақамланган.

Дунда барқарор тинчликни вуқудга келтириш, илтимосий тузуми ҳар хил бўлган давлатлар ўртасида тинч-тотув ишларнинг ленинча принциплари илчиллик билан амалга ошириш соҳасида қилинган ишлар ҳам тарихда зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилмак. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг ГФР, АҚШ, Франция ва Хиндистонга қилган визити ақулар, 144 давлат вакиллари, турли-туман сиёсий партиялар, халқаро ва миллий ташкилотлар, озолик ҳаракатининг намойидалари иштирокида бўлиб ўтган тинчликсавар кутларнинг Яҳон конгресси бу борада муҳим тарихий воқеаларга айланди.

Ана шу визит ақулар, тинчликсавар кутларнинг Яҳон конгресси материаллари, Ватанимиз ва республикаларда юз берган ўзгаришларни меҳнатчилар ўртасида кенг пропатаида қилиш ҳар бир олий мактабининг профессор ва ўқувчиларининг ҳам муқаддас бурчидир.

Бу урида Тошкент Давлат педагогика институтининг Яҳон коммунизм кафедраси баранали ишларни амалга оширмоқда. Кафедра аъзолари тарғибот ишларини студентларга би-

лим бериш профессидигина амалга ошириб қолмай, шу билан бирга дарсдан ташқари вақтларида студентлар ётоқхоналарида, пойтахт маҳаллари ва мактабларида, колхоз-совхозларда ҳам олиб бормоқдалар.

Бу жойларда «КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг ГФР, АҚШ, Франция ва Хиндистонга қилган визити муносабати билан КПССнинг тинчлик ва халқаро муносабатларини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти» деган мавзуда лекциялар уюштирилди. Фрунзе районидан Абдулла Қаҳҳор номли маҳалла ақолиси ҳамда 118-мактабнинг ўқувчи ва ўқитувчилари ўртасида профессор С. Носирхўжаев, доцентлар И. Турганов, И. Тожиёв томонидан «Республика меҳнатчиларининг интернационал бурчи», «Л. И. Брежневнинг Ўзбекистонга қилган визити дўстлигини орденнинг топириши» муносабати билан қилган докладиди.

«РСДРП II съезди ва унинг тарихий аҳамияти» мавзуларида ўтказган лекциялари катта қизиқиш уюғотди. Доцент Сайдин, катта ўқитувчилар Э. Сайдинов, М. Аҳмедов, С. Каримов, Р. Махмудияров, ва бошқалар студентлар ўртасида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон — СССРнинг асосий пахта базасидир», «Ўзбекистонда ленинча миллий сиват тапталас» деган темаларда лекциялар ўқидилар.

Хозир кафедра аъзолари студентлар ўртасида «Тинчликсавар кутларнинг Яҳон коммунизм кафедраси баранали ишларни амалга оширмоқда. Кафедра аъзолари тарғибот ишларини студентларга би-

ВИЗИТ ТУГАЛЛАНДИ

ХАНОЙ. 26 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Қозғистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси С. В. Ниязбеков бошчилигида СССР Олий Совети делегациясининг Вьетнам Демократик Республикасида дўстона визити тугалланганлиги муносабати билан бу ерда Совет-Вьетнам қўшма ахбороти эълон қилинди.

Олий совет делегацияси аъзоларини, дейилди ахборотига, ВДР президенти Тон Дик Тханг, ВДР халқаро мажлиси доимий комитетининг раиси Чинг Тинь, ВДР Бош министри Фам Ван Донг қабул қилдилар ва делегация аъзолари билан дўстона суҳбатлашдилар.

КОНЧИЛАР РАЛАВАСИ

БЕЛГРАД. Югославиядаги йирик темир руда ҳазаси Лубин кончилари катта меҳнат ғалабасига эришилди. Улар руда қазиб олиш йиллик планини муддатидан қарибб уч ҳафта олдин бажардилар. Ҳазва мамлакатда 1,7 миллион тонна темир руда берди. Бу маҳсулотнинг анчагина қисми Энишдаги металлургия комбинатида ибдориди. Комбинат Совет-Югославия иқтисодий ва техникавий ҳамкорлигининг йирик объектларидан бири ҳисобланади.


(ТАСС, 26 декабрь).

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ

Республикасининг ГГРБда жойлашган Айке шаҳрининг санат марказида турроқ қайта ишлаш заводи топирилди. Ҳозирги замон ускуналари билан жиҳозланган бу йирик корхона ўзига яқин жойлашган боксит шахталарни хомашисини қайта ишлаб, йилга 240 миң тонна маҳсулот бера бошлайди.

Айкеда заводнинг бўёвда келиши алюмин санати борасида совет-венгер ҳамкорлигини кенгайтириш учун қўйилган яна бир қадамдир.

Суратда: заводнинг умумий кўриниши. МТИ-ТАСС фотос.



МАҲАЛЛАДА УНИВЕРСИТЕТ

Шаҳримиз Октябрь районида Собир Раҳимов номли маҳаллада «Сихат-саломатлик» университети ишлаб турибди. Ўзбекистон ССР Онкология ва радиология илмий-текшириш институтининг ташаббуси билан ташкил этилган маърузи университет (машгулотлари бир йил давом этди. Яқинда унинг ақуловчи машгулотини ўтказилди.

Маҳалла клуби ўша кун байрам тусини олди. Савол-жавоб кечасида профессорлардан И. Димант, М. Милъма, медицина фанлари кандидатлари Р. Алимов (университет

ректори), Э. Шомираев ва бошқалар таълиф қилинди. Савол-жавоб қилиб кетди. Таниқли олим, экспериментал онкология бўлимининг раҳбари И. Димант рақ насабини бўйича берилган саволга батафсил жавоб қайтарди. Шунингдек, медицинада доир қўпгина саволларга медицин олимлар томонидан берилган жавоб ва маслаҳатлар тингловчиларда қўнқиш ҳосил қилди.

Маҳалла комитетининг раиси, шахсий пенсионер Е. Ракулов шифокорларга миннатдорчилик билдирди.

Т. БОБОХУЖАЕВ, университет проректори.

ДУНЁ ОВОЗИ

Чем эл хабарлари

МАНЗУР МУЗЕЙ

КОПЕНГАГЕН. 27 декабрь. (ТАСС). Копенгаген акваруми — Данияда катта музей ва саноатчиларнинг томошахоналарида борибди. Бу турги йилнинг ўзидеги даниялик ва хорижий сайёҳлар бўлиб 300 миңга яқин киши музейни келиб кўрди. Экспонатлар орасида улкан тошбақалар, саккиз оёқлар, электр чикарувчи баллиқ ва Бразилиянинг йиртқиқ баллиқ-

лари, қизил қанотли учувчи баллиқларнинг ноёб нусхалари бор.

Музейнинг машҳурлигини, шунингдек дегниш маъжудоларини ўрганиш борасида ўтказётган катта илмий ишларни навадари, тўтти музей жами саҳнини икки баравар кўпайтириш мўжизаланимоқда. Янги йилларда бу ерда бешта акваруми бўлган иккинчи янги филиал қурилади.

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ТОКИО. 26 декабрь. (ТАСС). Япония ҳукуматининг бугун эълон қилинган баёнотида айтилиши, Япония ҳукумати араб мамлакатлари билан муносабатларини мустақамлаш ва кенгайтириш учун бундан бундан ҳам куч-гайрат сарфлай беради. Араб мамлакатларининг Японияга нисбатан ўз позицияларини ўзгартиришга қарор қилганликлари муносабати билан эълон қилинган шу баёнотда ҳукумат араб мамлакат-

ларининг бу қарорини табриқлади ва унга Япониянинг Яқил Шарққа доир позициясини араб мамлакатлари тўшунаётганлигини далолат беради, деб баҳолади.

Япония ҳукумати Исроил қўшинлари оккупация қилинган араб территорияларидан тамомилан олиб чиқиб кетиши ва хавфсизлик кенгашигини 1967 йил 22 ноябрдаги 242 резолюциясини бажаришни талаб қилмоқда.

САЛЬВАДОР АЛЬЕНДЕ НОМИГА ҚЎЙИЛДИ

ПАРИЖ. 27 декабрь. (ТАСС). Франциядаги Морде шаҳрининг (Финистер департаменти) муниципал кенгаши шаҳардаги марказий майдонлардан бирига Сальвадор Альенде номини беришга қарор қилди.

МАР ВАКИЛИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК. 27 декабрь. (ТАСС). Миср қўшинлари оylan Исроил қўшинлари жойлашган чизида Исроил ут оқишини тўхатиш тўғрисидаги битимни ҳамон бузгани, деб Миср Исроилни абайлади.

БМТ ҳузуридаги МАР доимий вакили Абдул Маъжиднинг айтишича, Исроил қўшинлари 16 декабрдан 19 декабрга қача Сувайш каналининг гарбий шунингдек паркий соҳилдаги Миср позицияларини бир неча бор тўпга тутганлар. Каналнинг гарбий соҳилида Исроил қўшинларининг ҳаракати кузатилган. Исроилнинг ҳарбий самолётлари Миср осмонига бостириб кирди, деди Абдул Маъжид.

Американинг Исроилга ёрдами

ВАШИНГТОН. 27 декабрь. (ТАСС). АҚШ президенти Р. Никсон Исроилга «Фақулуд» ҳарбий ёрдам кўрсатиш учун 2,2 миллиард доллар пул бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини имзолади.

Бундан бундан қонун тусини олган қонун лойиҳасининг ҳукумат Яқил Шарққа қайтада бўлиб ўтган уруш охирида конгрессга юборган эди. Бир қанча қонун чиқарувчиларини, шу жумладан сенат ташқи ишлар комиссиеси раиси У. Фулбрайтнинг қарши турганликлари қарамай, конгресс ҳукуматнинг талабини қондирган эди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.10 — Москва области Ва-тнга рапорт беради (Москва). 20.00 — «Ахборот». 20.15 — Ун минут музика. 20.25 — «Ахборот». 20.45 — «ОЛТИН ҚУЛЛАР». 22.00 — «Вант». 22.30 — Ота-оналар университети. 23.00 — Универсал. Илтимоси ортда (бадний фильм). ИККИНЧИ ПРОГ-РАММА. 18.30 — МОСКВА. 19.10 — Концерт (Тошкент). 20.00 — Концерт. 21.00 — Телеспектакль. 22.00 — Сихат-саломатлик (Тошкент). 22.30 — Москва бадний академик театрида кеча. УЧИН-ЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент ақилликлари. 19.15 — Ҳуж-жатли фильм. 19.35 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.05 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 20.25 — Ҳужжатли фильмлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ-ДА — 28[XII] да Нармен, 29[XII] да Чо.Чо.сан, 30[XII] да Ўзлик ма-лики ва етти баҳодир ҳақида эртақ (қушдузи). Трубадур (кечу-рун).

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ-ДА — 28[XII] да Олтин десор. 29[XII] да Шоҳ Эдип. 30[XII] да Арсона ератган киз (қушдузи). Парвона (кечурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28[XII] да Халима, 29[XII] да Умар-лар, 30[XII] да Хикрон.

КИНО

Бошқис чавандоз (2 серия) — САНБАТ САРОН (қушдузи ва ке-чурун).

Қора қирол муаммоси — ХАМ-ЗА НОМЛИ (қушдузи ва кечурун). Қаллоб Цепис — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Ринг — «ВОСТОК» (қушдузи ва кечурун).

Муҳаббат алангиси (2 серия) — С. РАХИМОВ номли. Г. РУДОМ номли (қушдузи ва кечурун). Саломат (Ўзбек тилида) — НА. ВОЙНИ номли (қушдузи ва кечу-рун).

Сингап тақа — «КОМСОМОЛ 30 ИЛИГИ» «МОСКВА» (қушдузи ва кечурун). «ТОШКЕНТ СОВЕТИ» НИНГ 50 ИЛИГИ» «СПУТНИК» (куфт соатларда).

Мен — Шаповалов — «ДРУЖ-БА» (тоқ соатларда). ЎЗБЕК-ТОН» (куфт соатларда).

Исонини илалман — «МИР» (қушдузи ва кечурун).

Рам ва Шам (2 серия, Ўзбек тилида) — «ҚУКЧА» (қушдузи ва кечурун). Санников ери — «ДРУЖБА» (куфт соатларда).

Дайди — «ЎЗБЕКИСТОН 35 ИЛИГИ» (қушдузи ва кечурун).

Иван Васильевич изъясни ўз-гартирмоқда (11.45, 13.30, 18.00). Музика садолари (13.15, 20.00) — «ЧАНКА».

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

А. ПАГАРЕЛИ АСАРИ. Г. КАНЧЕЛИ МУЗИКАСИ.

Тарқимон — шорк КУМА.

НИЗ ЖАББОРОВ.

ХОНУМА ХОНИМ

(2 пардали комедия)

Пьесани В. КОНСТАНТИН ва Р. РАЦЕР инсценировка қи-лишган.

Саҳнага қўювчи режиссер —

Ўзбекистон ССРда хизмат кўр-сатган артист БАХТИЕР ИХ.

ТИРОВ.

Диринер — О. ГОШМАТОВ.

Рассом — Ўзбекистон ССР.

да хизмат кўрсатган санъат

арбоби Г. А. ВИЗЕЛЬ.

Режиссер — Ўзбекистон ССР

халқ артисти, ҳамза мунофоти

лауреати Х. УМАРОВ.

Валетмейстер — О. НАЗРУЛ-

ЛАЕВ.

Хормейстер — К. САЪДУЛ-

ЛАЕВ.

Концертмейстер — М. ФУР-

МАН.

Режиссер ёрдамчиси — Р.

МУХИДИНОВА.

„БАҲОР“ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28 декабрдан 11 январгача

Ҳар кун 9.30, 11.30, 14.00,

16.30 минутда

ТЕАТРАЛ ВА ЦИРК АР-ТИСТЛАРИ, ҲАМДА «БАҲОР» АНСАМБЛИ РАҚС ГРУППАСИ-НИНГ РАҚҚОСАЛАРИ ИШТИ-РОКИДА

«ЯНГИ НИЛ АРЧАСИ» ТОМОШАЛАРИ

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Пяма Вос-тока кўчаси, 26-ум.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор Уринбосар-лари — 835885, 837916. Массул секретарь — 834808. Пропаганда, адабият ва санъат бўлими — 831936. Сановат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлими — 835811. Қиш-

лом хўналиги, фан мактаб ва олий ўқув юрталари бўлими — 836050. Совет қурилиш машиини хизмат ва ишлар хўналиги бўлими — 837045. Халқаро ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 836142. Коммутор — 830249 дан 830258 гача.